

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ-ИЖОДИЙ  
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

**М.М.Умарова**

*Қўқон давлат педагогика институти , Психология фанлари бўйича фалсафа доктори  
( PhD ), доцент*

**Аннотация :** *Ушбу мақолада педагог-тарбиячиларни касбий тайёрлашда уларни янги педагогик ва ахборот технологиялари, таълимнинг интерфаол усуллари ва инновацион методлар билан қуроллантириш орқали касбий-ижодий фаоллигини ошириш масалалари ёритилган.*

**Калит сўзлар :** *касбий сифат, инновацион метод, концепция, таълимнинг интерфаол усуллари, инновацион метод, касбий-ижодий фаоллик, ташкилотчилик, бошқарувчилик, интуиция.*

Мактабгача таълимни янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим – тарбия жараёнига замонавий педагогика ва ахборот –коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир.

Янги касбий сифатга эга бўлган педагог-тарбиячиларни тайёрлаш учун уларни янги педагогик ва ахборот технологиялари, таълимнинг интерфаол усуллари ва инновацион методлар билан қуроллантириш орқали касбий-ижодий фаоллигини ошириш зарур. Бўлажак педагог-тарбиячилар касбий билимларни эгаллаганлик даражалари билан ўзаро фарқланадилар. Уларнинг бир қисми янги педагогик муҳит, вазиятга тез мослашса, айримлари педагогик билимларни эгаллаш учун кўп вақт сарфлайдилар.

Инновацион методларни пухта ўзлаштирган бўлажак педагог-тарбиячилар болалар учун самарали таълим-тарбия вазиятларини яратиш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун уларда ҳар бир тарбияланувчига алоҳида шахс сифатида ёндашиш кўникмаси шаклланган бўлиши лозим. Юқори самарадорликка эга бўлган педагогик вазиятларда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- бўлажак педагог-тарбиячиларнинг ўз фикр ва ғояларини баён қилишга йўналтирилган ҳаракатлари рағбатлантирилади;

- дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш учун профессор-ўқитувчиларга қулай имконият яратилади;

- профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муносабатнинг ишонч, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосида бўлиши таъминланади;

- профессор-ўқитувчилар билан талабалар субъект-субъект муносабатлари даражасида фикр алмашадилар;

- дарс жараёнида талабаларнинг мустақил ишлари профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида таҳлил қилинади, тўлдирилади, самарали ишлаган талабалар фаолияти рағбатлантирилади;

- талабаларни оммавий тарзда мустақил билим олишга жалб қиладиган педагогик вазиятлар ташкил этилади ва ҳ.о.

Инновацион методларни қўллайдиган профессор-ўқитувчилар дарсда қулай педагогик вазият яратиш мақсадида кичик гуруҳлар ташкил этадилар. Чунончи:

- аудиторияни таълим мақсадлари ва мазмунига мос тарзда жиҳозлайдилар, таълим-тарбия фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун талабаларни кичик-кичик гуруҳларга бўладилар;

- қулай таълим-тарбия вазияти ва кўргазмали воситалар орқали талабаларнинг таълим-тарбия фаолиятини жадаллаштиришга кўмаклашадилар;

- талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қиладилар;

- инновацион методлар билан ишлайдиган профессор-ўқитувчилар дарс жараёнини талабаларнинг фаоллиги ва танқидий фикрлашини рағбатлантирган ҳолда режалаштирадилар ва ташкил этадилар.

Ўқув жараёнини лойиҳалашда профессор-ўқитувчилар қуйидагиларга риоя қилишлари керак:

- ўқув дастурида кўрсатилган мавзуларни ўрганишда ҳар бир талабани таълим-тарбия жараёнига жалб қиладиган ва танқидий фикрлашга рағбатлантирадиган ўқитишнинг илғор технологияларидан фойдаланиш;

- таълим жараёнида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ижодий ҳамкорлигига эришиш;

- таълим жараёнининг амалга ошиши ва натижаларини башорат қилиш;

- таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришиш учун турли инновацион методлардан фойдаланиш;

- мустақил билим олиш жараёнида турли илмий манбалардан самарали фойдаланиш кабилар.

Инновацион методлар билан ишлайдиган профессор-ўқитувчилар талабалар билимини баҳолашга ҳам алоҳида эътибор қаратадилар. Бунда асосий мақсад - таълим-тарбия жараёнига технологик ёндаша олиш ва талабаларни билим олишга рағбатлантиришга қаратилади.

Бўлажак педагог-тарбиячилар замонавий билимларни эгаллашлари учун олий таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бўлажак педагог-тарбиячилар мактабгача таълим жараёнини яхлит ҳодиса сифатида тасаввур қила олганидагина, касбий жиҳатдан етарлича тайёргарликка эга бўлиши мумкин. Бўлажак педагог-тарбиячилар ҳар бир педагогик ҳолатни чуқур таҳлил қила олганидагина, мактабгача таълим ташкилотида

амалга ошириладиган таълим жараёни самарадорлигини таъминлаш кўникмасига эга бўлади.

Олий педагогик таълим жараёнини технологиялаштириш бугунги кунга келиб устувор аҳамият касб этмоқда. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- анъанавий ўқитишда профессор-ўқитувчилар томонидан қилинадиган маърузага таянилади;

- ахборотлар ҳажмининг кўпайиб бориши, улардан фойланиш учун вақтнинг чекланганлиги, уларни саралаш ва тизимлаштиришнинг мураккаблашуви ҳам янги педагогик технологияларни қўллашни тақозо этади;

- янги ахборот оқимларининг тўхтовсиз кириб келиши ва таълим-тарбия жараёнида уларни ўзлаштириш эҳтиёжининг мавжудлиги ҳам янги педагогик технологияларни қўллаш заруриятини кучайтирмоқда.

Олий педагогик таълим тизимида замонавий мактабгача таълим концепциясига мувофиқ тарзда, талабаларда касбий сифатларни шакллантириш орқали бўлажак педагог-тарбиячиларни ўз-ўзини ривожлантиришга эришиш лозим. Бундай вазиятда бўлажак педагог-тарбиячиларни касбий сифатларини шакллантириш жараёнини технологиялаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда педагогик технология тушунчасининг назарий асослари ривожлантирилмоқда. Масалан, Ў.Толипов, М.Очилов, Н.Саидахмедов, И.Зокиров, А.Ф.Тализина, Т.Сакамато, Ж.Хартлилар педагогик технология тушунчасини тавсифлашда аниқ назарий ёндашувлардан фойдаланганлар. Педагогик технология тушунчаси серқирра тушунча бўлиб, унга турли томондан ёндашиш тақозо қилинмоқда. Кўриниб турибдики, педагогик технология ёки ўқитиш технологияси педагогика фанида турли томондан ёндашилган ҳолда талқин этилмоқда.

Педагогик технология педагогларга таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариш имконини беради. Масалан:

- мактабгача таълим жараёни натижаларининг кафолатланганлиги;

- педагогик технологияларнинг педагогик жараёнларни самарали тарзда ташкил этиш ва бошқариш имкониятига эгаллиги;

- мактабгача таълим жараёнини янги назарий-педагогик асосларга таянган ҳолда ташкил этиш учун қулайлиги;

- тарбияланувчиларнинг билиш фаолиятини олдиндан башоратлаш ва лойиҳалаш учун қулай шароит ярата олиши;

- мактабгача таълим жараёнида янги ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш учун қулайлиги кабилар.

Маълумки, педагог-тарбиячиларнинг асосий вазифаси тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни мактаб таълимига сифатли тайёрлашдан иборат. Шунга кўра, педагог-тарбиячиларга қўйиладиган талаблар ҳам уларнинг касбий фаолияти ифодаси сифатида белгилаб берилади. Педагог-тарбиячилар ўзларининг касбий вазифаларини қанчалик чуқур идрок эта олсалар, болаларни

ривожлантиришнинг интерфаол характердаги савол-жавоб, диалог усулларини кўллаб, тарбияланувчиларга кўпроқ мустақиллик, ташаббускорлик, эркинлик берадилар. Тажрибали педагог-тарбиячилар мактабгача таълим жараёнини самарали бошқара оладилар.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. М.Н.Хушназарова “Problems of improvine the professional competence of educators in preschool education. Galaxy international interdisciplinary research journal inVolume 10,Issue 12,Dec.,2022

2. М.Н.Хушназарова “Problems of improving the professional competence of teachers of pre-school educational organizations”. Galaxy international interdisciplinary research journal in Volume 10,Issue 12,Dec.,2022

3.М.М.Умарова “Methodological aspects of preparation for professional details.” Galaxy international interdisciplinary research journal in Volume 10,Issue 12,Dec.,2022

4. М.М.Умарова Мафкуравий тарбия ва инновацион таълим.”Халқ таълими”.2001,5-сон.

5. М.М.Умарова Ёшларда соғлом ғоялар ва янги билимларни шакллантиришда оила ва мактаб ҳамкорлигини такомиллаштириш.Замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этишнинг назарий ва амалий масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.Қўқон,:2002.